



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 985

2019 йил «19» ноябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР  
РЎЙХАТИДАН ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16 ва 42-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Экологик партиясининг 79-Жарқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатган номзоди Халиков Сайдулла Мамаюсуповични номзодлар рўйхатидан чиқариш ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилсин. Халиков Сайдулла Мамаюсупович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатидан чиқарилсин ҳамда номзодлик мақомидан маҳрум этилсин.

2. Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясининг 4-Амударё сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатган номзоди Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевични номзодлар рўйхатидан чиқариш ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилсин. Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатидан чиқарилсин ҳамда номзодлик мақомидан маҳрум этилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Раис**

**М.Абдусаломов**